

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.39/30.11.2020. Yu/S. 128.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

ИСОҚОВ ЛУХМОНЖОН ХОЛБОВЕВИЧ

**МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.13 – Инсон ҳуқуқлари

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Исоков Лухмонжон Холбоевич

Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш:

қийсий-ҳуқуқий таҳлил.....3

Isokov Lukhmonjon Kholboevich

Ensuring and protection of migrants' rights:

comparative legal analysis.....35

Исоков Лухмонжон Холбоевич

Обеспечение и защита прав мигрантов:

сравнительно-правовой анализ.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....68

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.39/30.11.2020. Yu/S. 128.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

ИСОҚОВ ЛУХМОНЖОН ХОЛБОВЕВИЧ

**МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.13 – Инсон ҳуқуқлари

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Yu187 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://nhrc.uz/oz/menu/avtoreferat>) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:	Саидов Акмал Холматович академик, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тошев Бобокул Норқобилович юридик фанлар доктори, профессор Тургунов Илхом Тургунович юридик фанлар доктори, доцент Юлдашев Джаҳонгир Хайитович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.39/30.11.2020.Yu/S.128.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 12 сентябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 15. Тел.: +998 71 239 13 58, факс: +998 71 239 43 39, e-mail: info@nhrc.uz).

Диссертация билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 15 уй.

Диссертация автореферати 2022 йил 30 август куни тарқатилди.
(2022 йил 30 августдаги 2-рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
М.А. Тиллабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

[Signature]
Ў.С. Очилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

[Signature]
А.А. Туляганов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва объектив зарурати. Дунёда умум эътироф этилган нормалар билан мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш мустаҳкам ҳуқуқий давлатдан ривожланган фаол фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу халқаро стандартлар қаторида мигрантларнинг ҳаракатланиш эркинлиги, яшаш жойини танлаш, бошпана олиш каби иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари муҳим ўрин эгаллайди. Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг маълумотларига кўра, халқаро мигрантларнинг умумий миқдори 2021 йилда 281 миллиондан зиёдни ташкил этган. Келаси 30 йил давомида эса, мазкур кўрсаткич қарийб 2 баробарга кўпайиши кутилмоқда¹. Бу эса ўз навбатида миграция жараёни, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил этувчи меҳнат миграцияси билан боғлиқ муносабатларни самарали тартибга солиш, шунингдек, мигрантлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг “драйвери” – миграция нафақат тараққиёт, балки инсон ҳуқуқларига доир миллий, минтақавий ва халқаро даражадаги геосиёсий муаммо эканлиги билан ҳам тавсифланади. Зеро, сайёрамиздаги миллионлаб мигрантларнинг ҳуқуқлари етарли ҳимояланмаган ёки суиистеъмол қилиниши хавфи остида қолмоқда. Мигрантлар ҳуқуқларининг бузилиши қийноқлар, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳуқуқий кафолатларнинг йўқлиги, шунингдек, соғлиқни сақлаш, меҳнат, турар-жой ва таълим олиш ҳуқуқларининг инкор этилишида ўз ифодасини топиб, бу камситувчи қонунлар ва шаклланиб қолган салбий қарашлар ёки миллатчилик каби иллатлар билан чамбарчас боғлиқ. Миграция бўйича глобал шартноманинг уч асосий ташаббусидан бири айнан мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилганлиги² ҳам бу борада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизга доимий истиқомат қилиш учун сўнгги 20 йил ичида 100 мингга яқин чет эл фуқароси ва фуқаролиги йўқ шахслар кўчиб келган бўлса, худди шу давр ичида 1 миллион 100 мингдан ортиқ фуқароларимиз Ўзбекистондан чет элга чиқиб кетган³. 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Марказий Осиёдаги фуқаролиги йўқ шахсларнинг 76 фоизи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келган⁴. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида “БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги йўқ шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий

¹ World Migration Report 2022. Published by International Organization for Migration (IOM) // Электрон манба: www.iom.int/wmr (мурожаат вақти: 23.02.2022).

² Доклад о миграции в мире 2020. – Женева: МОМ, 2020. – С. 411.

³ O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi – Demografik holat: // Электрон манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2> (мурожаат вақти: 25.11.2021).

⁴ Swider K. Comparative legal analysis of the national legislation and practices of the Republic of Uzbekistan and other Central Asian states in line with the provisions of the 1954 Convention Relating to the Status of Stateless Persons and the 1961 Convention on the Reduction of Statelessness. Geneva: UNHCR, 2021. – P.80.

чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаб”, Ўзбекистоннинг фуқаросизликни камайтириш борасидаги ўз сиёсатига қатъий содиқлигини таъкидлаганлиги¹ мамлакатимизнинг бу борадаги позициясини яққол намоён этади. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, бугунги кунда мигрантлар ҳуқуқларининг халқаро кафолатларини яратиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларни бартараф этмасдан туриб инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш даражасини ошира олмаймиз. Бу эса, мигрантлар ҳуқуқлари кафолатига доир илмий-амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги (2020), “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги (2021) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги (2019) фармонлари ҳамда “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) қарорлари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг муайян жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар БМТнинг Ўқув ва илмий-тадқиқот институти, Université Paris 1 Panthéon-Sorbonne (Франция), Queen Mary University of London (Буюк Британия), The Global Migration Centre (Швейцария), Vrije Universiteit Amsterdam (Голландия), Boston University School of Law (АҚШ), Center for migration Studies of New York (АҚШ),

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2021. – 23 февр. – № 38 (7818).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида ёритилган: www.unitar.org, www.pantheonsorbonne.fr, www.qmul.ac.uk, www.graduateinstitute.ch/gmc, www.vu.nl, www.vu.edu.au, www.ulb.be, www.law.pku.edu.cn, www.bu.edu, www.cmsny.org, www.migimo.ru, www.kaznu.kz, www.proacademy.uz, www.akadmvd.uz, www.uwed.uz, www.tsul.uz.

Université libre de Bruxelles (Бельгия), Victoria University (Австралия), Peking University Law School (Хитой), Миграция ва халқаро муносабатлар институти (Россия Федерацияси), Ал Фаробий номидаги Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бош прокуратура Академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети (Ўзбекистон) каби етакчи халқаро илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Хусусан, мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлардан қуйидаги қатор илмий натижалар олинган, жумладан: миграция ҳуқуқини алоҳида ҳуқуқ сифатида ўрганиш, мигрантлар ҳуқуқларининг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланиши тарихи, манбалари ва ўзига хос хусусиятлари асослантилган, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (БМТнинг Ўқув ва илмий-тадқиқот институти, Université Paris 1 Panthéon-Sorbonne, Queen Mary University of London); мигрантлар мақоми ва уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари (The Global Migration Centre, Vrije Universiteit Amsterdam), миграция соҳасидаги давлат бошқаруви фаолиятининг замонавий тенденциялари ишлаб чиқилган (Center for migration Studies of New York, Миграция ва халқаро муносабатлар институти), глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг, шунингдек, миграцияга доир замонавий таҳдидларнинг давлат ва жамиятга таъсири, миграция жараёнларини самарали ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Бош прокуратура Академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Айни пайтда миграция ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича қатор тадқиқотлар, хусусан қуйидаги устувор йўналишларда амалга оширилмоқда: давлатлар томонидан ўз фуқаролари манфаатлари ва ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида миграция сиёсатининг асосий йўналишларини қайта кўриб чиқиш; хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияга бўлган эҳтиёжнинг ошганлигини инобатга олиб давлатлар томонидан таъсирчан чораларни кўриш; мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш; пандемия шароитида хориждаги Ўзбекистон фуқароларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мамлакат худудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муайян вазифаларни бажариш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонлик олимлар орасида мазкур муаммонинг умумий жиҳатлари К.Х. Абдурахманов, Ш.Ф. Асадов, Л.Ф. Исхакова, Х.Т. Маматов, М.М. Миракулов, Ф.А. Мухитдинова, А.Р. Мўминов, Т.К. Нарбаева, А.Х. Саидов, Л.А. Саидова, С.М. Селиманова, О.Р. Сулайманов, А.А. Туляганов, И.Т. Турғунов, Э.Т. Хожиев, Х.М. Юнусов ва А.Б. Ғафуров каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

К.Ш. Арипова, С.А. Гафурова, С.Дж. Джалдасова, С.А. Ишанходжаев, Б.Т. Мусаев, М.А. Раҳимова, И.В. Самиев, М.А. Тиллабаев, Р.Р. Уринбоев, Б.И. Эгамбердиев, Ш. Эралиев, Дж.Х. Юлдашев, Г. Юлдашева асарларида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим хусусиятлари очиб берилган. Жумаладан, И.В. Самиев халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрлар бўйича чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолатини, А.А. Алланова миграция қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик муаммосини таҳлил қилган бўлса, илмий изланишларида С.Дж. Джалдасова миграция соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда Б.И. Эгамбердиев ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, Г. Юлдашева Ўзбекистон Республикасида консуллик ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланишига доир масалаларни кўриб чиққан.

Хорижий мамлакатларнинг юридик адабиётларида мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларига жиддий эътибор берилади. Jørgen Carling, Pablo Ceriani Cernadas, Vincent Chetail, Ryszard Cholewinski, Khadija Elmadmad, Massimo Frigo, Lilana Keith, Gabriel Mas, Jean Matringe, Katja Swider, Michele LeVoy, David Weissbrodt, А.Х.Абашидзе, М.Р.Вакуев, С.М.Гусаров, А.Н.Жеребцов, И.С.Искевич, С.Ю.Кашкин, А.Т.Комзюк, Е.А.Малышев, Е.А.Никифорова, В.М.Решетин, Ю.И.Римаренко, О.Ю.Салманова, Т.Я.Хабриева, И.А.Цинделиани, С.Б.Чехович каби замонавий олимларнинг тадқиқотлари бунинг ёрқин мисолидир¹.

Шу билан бирга, танланган мавзу бўйича назарий-ҳуқуқий муаммолар давлат бошқаруви тизимидаги ислохотлар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари нуқтаи назардан алоҳида монографик тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда Бош прокуратура Академиясининг “Аҳоли миграциясида рақамли визалар платформасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ИЗ-202002203-сонли инновацион лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мигрантлар ҳуқуқий мақоми юридик табиатининг назарий қоидаларини тадқиқ этиш;

мигрантлар ҳуқуқларига доир асосий илмий таълимотларни ўрганиш;

мигрантлар ҳуқуқларини “таъминлаш” ва “ҳимоя қилиш” тушунчаларини қиёсий таҳлил қилиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

миграцияга доир одат ҳуқуқларининг пайдо бўлишининг тарихий манбаларини аниқлаш;

мигрантлар ҳуқуқларининг табиий ҳуқуқ сифатида шаклланишига доир масалаларни кўриб чиқиш;

мигрантлар ҳуқуқларининг эволюцияси ва замонавий тенденцияларини очиб бериш;

мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва механизмларини тавсифлаш;

эмигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга оид хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

реципиент мамлакатларда айрим тоифадаги мигрантлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича илғор амалиётни тадқиқ этиш;

Янги Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш;

мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг миллий механизмларини ўрганиш;

рақамли маконда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари ва истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предметини мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи миллий, минтақавий ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида илмий билишнинг анализ, синтез, индукция, дедукция, тарихий ва тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, статистик таҳлил, социологик сўров, кузатиш, мантикийлик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет эл фуқароларининг мамлакатимизда меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларини ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки онлайн-майдонча орқали расмийлаштириш, шунингдек, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетаётган фуқароларни онлайн рўйхатдан ўтказиш тизимини жорий этиш зарурати асослантилган;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган мигрантларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларида миллий мансублиги ёки келиб чиқиш давлатларига қараб камситилишини олдини олиш мақсадида уларнинг идентификация ID-картаси бланкасида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаслиги лозимлиги асослантилган;

хорижда мураккаб шароитга тушиб қолган меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиётини кенгайтириш, улар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, шунингдек, чет элда меҳнат фаолиятини амалга

ошираётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ва кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати асослантирилган;

мигрантларнинг мулкӣ ва фуқаровий ҳуқуқларини таъминлашга тегишли ҳужжатлар тўғрисидаги сўровлари 30 кундан ошмаган муддатда бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлари бепул амалга оширилиши лозимлиги асослантирилган;

одам савдосидан жабрланган деб тан олинган мигрантларга уларнинг Ўзбекистон ҳудудига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши, тиббий-психологик ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳат олиш, вақтинча яшаш жойидан (бошпанадан) фойдаланиш, яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатиш, таржимон хизматларидан текин фойдаланиш каби ҳуқуқларидан фойдаланиши, шунингдек, уларга ўзбек тилини ўрганиш учун бепул имконият яратиш эҳтиёжи асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш, олий юридик таълим тизимида мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича янги модул жорий этиш, миграция ҳуқуқи дарслигини тайёрлаш, мигрантлар ҳуқуқи бўйича халқаро шартномаларни давлат тилига таржима қилишда Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“мигрант”, “мигрантнинг ҳуқуқий мақоми”, “мигрантлар ҳуқуқлари”, “мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш”, “мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ва “ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди;

мигрантлар ҳуқуқларига доир одатларнинг олдинги хулқ-атвор қоидаларидан фарқли уч жиҳати, яъни бир жойдан иккинчи жойга кўчиш имкониятининг универсал хусусиятга эга бўлганлиги, миграцияга доир ўрнатилган қоидаларни бузиш қаттиқ жазоланганлиги, миграция ҳуқуқини амалга оширилиши ва назорати давлат томонидан таъминланганлиги асослантирилди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахснинг республика ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиши, турар ва яшаш жойини эркин танлаши ҳуқуқи, ҳар кимнинг республикадан ташқарига чиқиши ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистонга монеликсиз қайтиши ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши учун инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ва халқаро институтларга мурожаат қилишга ҳақлилигига доир таклифлар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди;

Ўзбекистон Республикаси Миграция кодекси ва миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг лойиҳалари ишлаб чиқилди;

“Миграция ҳуқуқи” номли дарсликнинг ишлаб чиқилиши орқали миграция ҳуқуқини алоҳида фан соҳаси сифатида тадқиқ қилиш ва уни ўқитилишини ташкиллаштириш миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот материаллари асосида тайёрланган “Миграция ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши” номли монография, “Миграция ҳуқуқига кириш” номли ўқув қўлланма, “Миграция ҳуқуқи” номли дарслик ҳамда “Миграция ҳуқуқи” модулининг намунавий ўқув дастуридан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясидаги таълим жараёнида фойдаланилмоқда;

мигрантлар учун мўлжалланган ва миграция соҳасидаги 50 га яқин интерактив давлат хизматларини ягона платформага бирлаштирган “Musofir-madad” номли инновацион маҳсулот ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, расмий манбалардан олинган илмий-назарий қарашлар ва методологик ёндашувлар, аҳоли орасида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази ёрдамида ўтказилган телефон сўровлар ва мамлакатга қайтган мигрантлар орасида ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган электрон сўровлар, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича юздан ортиқ эмпирик материаллар, 2017-2021 йиллардаги расмий статистик маълумотлар таҳлилларига асосланган бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, тақлиф ҳамда тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан илмий-тадқиқот фаолиятида, “Миграция ҳуқуқи”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Консуллик ҳуқуқи” каби ўқув курсларини илмий-назарий бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Диссертация ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида мигрантлар ҳуқуқларини шаклланиши, ривожланиши ва ҳуқуқий кафолати билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялар миграция соҳасидаги давлат хизматларининг самарадорлигини оширишда, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чет эл фуқароларининг мамлакатимизда меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларини ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки онлайн-майдонча орқали расмийлаштириш, шунингдек, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетаётган фуқароларни онлайн рўйхатдан ўтказиш тизимини жорий этишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунининг 105, 111 ва 114-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 04/3-05-1275-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инobatга олиниши мигрантларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмининг такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган мигрантлар идентификация ID-картасининг бланкасида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмаслигига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6065-сон Фармонининг 2-бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 7 апрелдаги 22/4-4301-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижа Ўзбекистон фуқаролигини олган мигрантларнинг ҳуқуқларини амалга оширишларида уларнинг миллий мансублиги ёки келиб чиқиш давлатларига қараб камситилишини олдини олишга ҳисса қўшган;

хорижда мураккаб шароитга тушиб қолган меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш амалиётини кенгайтириш, улар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, шунингдек, чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ва кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4829-сон қарорининг 2-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги 01/00-02/11-2028-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси орқали ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

мигрантларнинг мулкӣ ва фуқаровий ҳуқуқларини таъминлашга тегишли ҳужжатлар тўғрисидаги сўровлари 30 кундан ошмаган муддатда бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлари бепул амалга оширилиши лозимлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 706-сон

қарори билан тасдиқланган Низомнинг 9-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 2 декабрдаги 12/21-49-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши Ўзбекистондаги мигрантларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилган;

одам савдосидан жабрланган деб тан олинган мигрантларга уларнинг Ўзбекистон ҳудудига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши, тиббий-психологик ёрдам ва ҳуқуқий маслаҳат олиш, вақтинча яшаш жойидан (бошпанадан) фойдаланиш, яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатиш, таржимон хизматларидан текин фойдаланиш каби ҳуқуқларидан фойдаланиши, шунингдек, уларга ўзбек тилини ўрганиш учун бепул имконият яратишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6, 27, 36-бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 23 декабрдаги 18/9872-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижа одам савдосидан жабрланган мигрантларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қулай шароит яратишга ҳисса қўшган;

Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш, олий юридик таълим тизимида мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича модул жорий этиш, мигрантлар ҳуқуқи бўйича халқаро шартномаларни давлат тилига таржима қилишда Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2021 йил 15 июнда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ва ундаги 3, 12, 14 ва 15-бандларнинг бевосита амалга оширилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 25 февралдаги 30/8-22-29-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар мамлакатимизда халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтарилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўташга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан 3 та монография, шунингдек, 16 та илмий мақола (5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 255 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилинганлиги, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мигрантлар ҳуқуқларини ўрганишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда мавзунинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб, мигрантлар ҳуқуқий мақомининг юридик табиати, мигрантлар ҳуқуқларига доир асосий илмий таълимотлар ҳамда мигрантлар ҳуқуқларини “таъминлаш” ва “ҳимоя қилиш” тушунчалари комплекс тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг *“Мигрантлар ҳуқуқий мақомининг юридик табиати”* га бағишланган биринчи параграфда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида “мигрант” атамасининг таърифи берилмаганлиги асосий илмий муаммо сифатида батафсил ўрганилган.

А.Х.Абашидзе, К.Х.Абдурахманов, А.А.Алланова, К.Ш.Арипова, Т.Н.Балашова, Л.Варлез, А.Вердрос, Н.В.Витрук, С.А.Гафурова, К.Йорген, Н.И.Матузов, И.В.Плюгина, А.В.Полтев, М.А.Раҳимова, В.М.Решетин, А.Х.Саидов, И.В.Самиев, М.А.Тиллабаев, И.Т.Турғунов, Р.Р.Уринбоев, Т.Я.Хабриева, Э.Т.Хожиев, В.Шетай, Б.И.Эгамбердиев, Ш.Эралиев, Г.Юлдашева, Х.М.Юнусов ва А.Б.Ғафуровларнинг “ҳуқуқий мақом” ҳамда “мигрант” институтларининг юридик табиати ҳақидаги қарашлари таҳлил этилиб, мигрант ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Диссертант томонидан қилинган таҳлиллар натижасида ушбу тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

Норвегиялик олим Йорген Карлингнинг *“мигрант”* атамасини ҳуқуқий жиҳатдан таърифлашда *“инклюзивист”* ва *“резидуалист”* ёндашувлари ҳақидаги скандинав илмий мактаби тадқиқ этилиб, мазкур тушунчани таърифлашда инклюзив ёндашув мақсадга мувофиқлиги асослантирилган. *“Мигрант”* атамасини таърифлашда диссертант *“барча қочоқлар мигрант эканлиги, лекин ҳар қандай мигрант ҳам қочоқ эмас”*лиги каби фалсафий ғояни алоҳида инобатга олиш зарурлигига урғу берган.

Диссертант А.Х.Абашидзе ва А.М.Солнцевлар “мигрант” сўзининг ўрнига “нофуқаро” (“негражданин”) атамасидан фойдаланиш ғояларига муносабат билдириб, айрим жиҳатлари билан қисман келишиб бўлмаслигини қайд этган. Хусусан, чет эл фуқароси, хусусан, дипломатик иммунитетга эга бўлган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг

ваколатхоналари ходимлари ёки сайёҳлар мақоми “нофуқаро” сифатида эътироф этилиши ёки этилмаслиги муайян баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши қайд этилган. “*Мигрант ҳуқуқий мақоми*”ни принциплар, ҳуқуқ субъектлилиги, фуқаролик ҳамда мигрант ҳуқуқлари, кафолатлари ва мажбуриятлари сингари асосий элементларга ажратиш бўйича И.Ю.Лупенконинг таклифи бошқа олимларнинг шу каби таснифи билан қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур параграф доирасида миграция соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг хусусиятига қараб, мигрантларни шартли равишда “ички ёки кириш”, “меҳнат” ва “ташқи ёки чиқиш” каби 3 турга бўлиш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилган. Миграция соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг хусусияти миграция ҳуқуқида илк маротаба мигрантларни таснифлашнинг янги мезони сифатида ишлаб чиқилган.

“*Мигрантлар ҳуқуқларига доир асосий илмий таълимотлар*” деб номланган иккинчи параграфда мигрантлар ҳуқуқларини тадқиқ қилган дунёдаги энг йирик илмий мактаблар (Скандинавия, АҚШ-Миннесота, Сорбонна, Женева, Мехико, Рус ва бошқа илмий мактаблар) ва улар илгари сурган концептуал ғоялар мажмуи чуқур таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, миграция жараёнлари ва мигрантларга доир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар салмоғининг тобора ошиб бораётганлиги ҳуқуқшунослик назариясида “миграция ҳуқуқи”нинг мавжудлиги ҳақида турли саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда, Т.Алейникофф, Р.Апплеярд, В.Шетай, К.Бретель, Г.Гудвин-Гилл, Р.Перрушу, Р.Человински каби машҳур олимлар миграция ҳуқуқининг асосий тушунчаларини ишлаб чиқишда улкан ҳисса қўшганлиги алоҳида эътироф этилган.

Гарчи, “Халқаро миграция ҳуқуқи” атамаси юридик фанга илк маротаба 1927 йилда Луи Варлез томонидан киритилганлигига қарамай, “Миграция ҳуқуқи”нинг ҳуқуқ тизимида алоҳида ажралиши муаммоси ҳануз баҳс-мунозаралар марказидалиги ва уни тадқиқ этишда уч асосий ёндашув шаклланганлиги исботланган: *биринчидан*, М.Р.Вокуев миграция ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг мураккаб ва мустақил соҳасидир, деган бўлса, *иккинчидан*, Т.Я.Хабриева миграция ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг мураккаб соҳалараро институти, деб ҳисоблайди ва *учинчидан*, А.Н.Жеребцов миграция ҳуқуқи, бу маъмурий ҳуқуқнинг кичик соҳаси сифатида қараган. Шу нуқтаи назарлар асосида, диссертант Ўзбекистонда илк маротаба “Миграция ҳуқуқи”ни алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида тадқиқ қилиш ғоясини илгари сурган ва бу борада илмий тадқиқот фаолиятини ташкиллаштириш учун янги шифрдаги ихтисосликни қўшишни таклиф қилган.

Мигрантлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг йўналишларидан бири сифатида А.Х.Саидов, Е.В.Барышева, В.М.Капицын, Д.Т.Караманукян каби олимлар томонидан батафсил ўрганилганлиги ва ҳуқуқ назариясининг асосий таълимотларидан келиб чиқиб, мигрантлар ҳуқуқларини *умумий* (шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар (мурожаат қилиш ҳуқуқи), иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар, маданий ҳуқуқлар ва экологик ҳуқуқлар) ва *махсус* (ҳар

қандай давлатни, шу жумладан ўзининг келиб чиқиш давлатини эркин тарк этиши ҳуқуқи, ҳар қандай вақтда ўзининг келиб чиқиш давлатига кириш ва у ерда қолиш ҳуқуқи, ҳаракатланиш эркинлиги, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, бошпана олиш, қочоқ мақомини олиш, хоҳлаган фуқароликни қабул қилиш, мигрантнинг ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинishi, консуллик ёки дипломатик идоралардан ёрдам олиш ҳуқуқи ва бошқ.) гуруҳларга бўлиниши асослантирилган. Шунингдек, мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини шартли равишда 4 та тоифага ажратилган:

биринчидан, шахснинг қабул қилувчи мамлакатга кириши, у ерда бўлиши ва ҳуқуқий мақомини ўзгариши оқибатида бузиладиган инсон ҳуқуқлари;

иккинчидан, шахснинг қабул қилувчи мамлакатдан чиқариб юборилиши оқибатида бузиладиган инсон ҳуқуқлари;

учинчидан, қабул қилувчи мамлакатда шахснинг маъмурий камокқа олиниши оқибатида бузиладиган инсон ҳуқуқлари;

тўртинчидан, қабул қилувчи мамлакатда шахснинг энг зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари.

Муаллиф мигрантларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича ҳар бир давлат миллий индикаторларини ишлаб чиқиши ва ундан унумли фойдаланиши юридик мажбуриятларга риоя қилиш ва мониторингини амалга оширишга ижобий таъсир ўтказишини инобатга олиб, Ўзбекистонда Мигрантлар ҳуқуқларининг миллий индикаторини ишлаб чиқишни таклиф қилган, шунингдек, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимояланганлик даражасига оид индикаторлардан намуналарни диссертация ишига илова қилган.

Мазкур параграф доирасида мигрантлар ҳуқуқлари назариясини ишлаб чиқишда, қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги асослаб берилган:

биринчидан, мигрантларни қабул қилувчи мамлакатда яратилган ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари;

иккинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларини мигрантларни қабул қилувчи мамлакатнинг миллий қонунчилигига имплементация қилинганлик даражаси;

учинчидан, мигрантларни қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти;

тўртинчидан, мигрантларни қабул қилувчи жамиятда интеграция учун мавжуд шароитлар.

Тадқиқот натижасида мигрантлар ҳуқуқлари тушунчасига таъриф берилган. Ушбу таърифга асосан, *мигрантлар ҳуқуқлари* деганда – инсон ҳуқуқларининг концептуал ва норматив “устахона”си ҳамда миграция жараёнларида ижтимоий неъматлардан фойдаланишнинг юридик жиҳатдан қафолатланган имкониятлар ҳисобланиб, объектив ва субъектив ҳуқуқнинг бир қисми тушунилиши лозим.

Биринчи бобнинг “*Мигрантлар ҳуқуқларини “таъминлаш” ва “ҳимоя қилиш” тушунчаларининг қиёсий таҳлили*” номли учинчи параграфида шахс ҳуқуқларини “таъминлаш”, “ҳимоя қилиш”, “амалга ошириш”, “муҳофаза қилиш”, “қўриқлаш” ва “қафолатлаш” каби турли атамаларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари комплекс тадқиқ этилган.

А.В.Стремоухов ва В.Н.Бутылиннинг илмий қарашларига таяниб, “таъминлаш” сўзи “ҳимоя қилиш” сўз бирикмаси билан маънодош эканлиги билан бир қаторда, бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ягона ёндашув кузатилмаслиги аниқланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “*ҳимоя қилинади*” (13-модда), “*ҳимоя қилиши*”, “*кафолатлайди*” (22-модда), “*таъминлайди*” (43-модда), “*қўриқланадиган*” (54-модда), “*муҳофаза қилинади*” (65-модда) каби синтактик шакллар қўлланилган. Ҳуқуқ назариясидаги илмий муаммо ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бу каби ноаниқлик ушбу тушунчаларнинг асл мазмун-моҳиятини очиб беришга, уларни тадқиқ қилишга ва бу бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона тўхтамга келишга тўсқинлик қилади, деган хулосага келган.

Диссертацияда “таъминлаш” тушунчасини “муҳофаза қилиш”, “ҳимоя қилиш” ва “амалга ошириш” каби категориялардан фарқлаш, уларнинг ўртасидаги чегараларни аниқ белгилаш мақсадида инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг мазмун-моҳияти алоҳида ҳуқуқий категория сифатида очиб берилган. Жумладан, *инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизми* инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолати бўлиб, уларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган восита ва усулларнинг бутун тизими ҳисобланиши қайд этилган. Муаллифнинг фикрича, “ҳимоя қилиш” ҳуқуқлар бузилган тақдирда амалга ошириладиган ва уларни тиклаш билан боғлиқ фаолият бўлса, “муҳофаза қилиш” эса, ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймасликка ҳамда уларни тўлиқ амалга оширишга қаратилган фаолиятдир.

Тадқиқотчи шахс ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари бўйича А.Х.Саидов, Ю.В.Анохин, А.С.Мордовец, Н.А.Шайкенов каби олимлар томонидан ўрганилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг юридик, ижтимоий ва давлат-ҳуқуқий каби уч асосий жиҳатларига ўз муносабатини билдириб, *мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш механизми* дейилганда, жамиятнинг барқарор тараққиёти учун халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни самарали тартибга солувчи ҳуқуқий воситалар тизими тушунилиши, шунингдек, у моддий-техник, ташкилий, ғоявий, бошқарув ёки махсус-ҳуқуқий хусусиятдаги чораларни қамраб олиши лозимлигини исботлаган.

Муаллиф Н.И.Матузовнинг “*Ҳуқуқ ва манфаатлар доимий равишда муҳофаза қилинади, улар бузилгандагина ҳимоя қилинади. Ҳимоя муҳофаза пайтидир*” деган фикрини қўллаб-қувватлаб, Н.В.Витрукнинг “*муҳофаза қилиши*” ва “*ҳимоя қилиши*” тушунчалари бир хил натижага эришишга қаратилган”, деган ғоясига муносабат билдириб, иккала атама ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқ, лекин бу айнан бир хил функцияни бажаришини аниқлаш маслиҳатини исботлаган.

Тадқиқотчининг фикрича, мигрантларнинг ҳуқуқлари поймол этилишидан муҳофаза қилиш учун нафақат суд ёки инсон ҳуқуқлари бўйича

миллий институтлар, балки адвокатлар, прокурорлар ва амалиётчи ҳуқуқшунослар ҳам биргаликда самарали фаолият кўрсатишлари зарур.

Шу билан бирга мамлакатда ноқонуний бўлиб турган мигрантларга, хусусан, одам савдоси қурбонлари ва пандемия каби муайян мураккаб вазиятларда қолганларга амнистия институтини қўллаган ҳолда уларнинг ҳуқуқий мақомини қонунийлаштириш орқали мигрантлар ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилиш ва таъминлаш таклиф қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Мигрантлар ҳуқуқларининг келиб чиқиши ва ривожланиши босқичлари**” деб номланиб, унда миграцияга доир одат ҳуқуқларининг пайдо бўлиши, мигрантлар ҳуқуқларининг табиий ҳуқуқ сифатида шаклланиши ва уларнинг эволюцияси ҳамда замонавий тенденциялари чуқур таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг “*Миграцияга доир одат ҳуқуқларининг пайдо бўлиши*” деб номланган биринчи параграфида Қадимги даврдан илк ўрта асрларгача бўлган даврда мигрантлар ҳуқуқларининг тарихий жиҳатлари очиб берилган.

Мигрантлар ҳуқуқларининг келиб чиқиши ва ривожланиши босқичлари J.Aubin, J.F.Vitoria Barthélemy, J.Carcopino, L.Casson, W.F.Craies, N.Crinitti, E.Cuq, B.Élie, F.Cherfouh, F.Coulanges, G.Mas, G.W.Harley, G.D.Middleton, J.Torpey, L.Lefort, M.T.Larsen, P.A.Rosental, F.Schulz, E.Vaissiere, И.А.Алешкова, Э.Аннерс, А.Камалов, З.Муқимов, Ф.А.Мухитдинова, А.Отахўжаев, А.Х.Саидов, М.А.Сарсембаев, М.Хамидова, А.Хўжаев, Г.Юлдашева каби олимларнинг илмий асарларини комплекс таҳлил қилиш асосида ўрганилган.

Диссертацияда мигрантлар ҳуқуқларига доир одатларнинг олдинги хулқ-атвор қоидаларидан фарқли кўйидаги уч жиҳати аниқланган: *биринчидан*, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш имконияти универсал хусусиятга эга бўлган; *иккинчидан*, миграцияга доир ўрнатилган қоидаларни бузиш қаттиқ жазоланган; *учинчидан*, миграция ҳуқуқини амалга оширилиши ва назорати давлат томонидан таъминланган.

Муаллиф томонидан мигрантлар ҳуқуқларининг шаклланиши босқичлари ҳақидаги турли қарашлар кўриб чиқилган. Масалан, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқининг шаклланишини И.А.Алешкова тўрт босқичга (*давлатчиликдан олдинги давр* – инсон табиатидаги одатий ҳолат; *янги феодал давлатлар даври* – ҳуқуқий одат шаклида; *XVIII аср охири* – табиий ҳуқуқлар таркибида; *XX аср* – юридик жиҳатдан алоҳида норма сифатида мустаҳкамланиши) ажратган бўлса, В.Ф.Могильный унга бешинчи даврни (XXI аср – Европа иттифоқи мисолида давлатлар орасидаги чегараларни олиб ташланиши ва паспорт-виза назоратини соддалаштириш) ҳам қўшимча қилган. Миграция ҳуқуқи бўйича мутахассис В.М.Решетин эса, даврларни 1500 йилдан бошлаб, бир неча босқичга бўлиб, у асосан мустамлакачилик тарихи билан узвий боғлаган. Бу борада диссертант, мигрантлар ҳуқуқларининг шаклланиши ва ривожланишини учга, яъни *қадимги, ўрта асрлар, замонавий* даврларга ажратиш ғоясини илгари сурган.

Тарихий ва илмий асарлар ҳамда архив ҳужжатларини ўрганиш натижасида қиёсий-ҳуқуқий жадвал ишлаб чиқилган. Унга кўра, айрим

олимларнинг (В.Бартелеми ва Э.Аннерс) миграция ҳуқуқининг ўрта асрлар Европасида шаклланганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тўла инкор қилган. Бинобарин, миграцияга доир ҳуқуқий нормалар, принциплар ва институтларнинг илк белгилари давлатчиликкача бўлган даврларга ҳам бориб тақалиши исботланган. Албатта, миграция ҳуқуқининг янги соҳалари пайдо бўлиши янги нормаларни келтириб чиқарган, бироқ унинг асосий принциплари (масалан, фуқароликка қабул қилишдаги “*jus sanguinis*” – “этник гуруҳдан келиб чиқиш”, “*jus solis*” – “туғилган жой” принциплари) ва институтларининг (масалан, мажбурий кўчирилганлар ёки қочоқлар мақоми, миграция соҳасидаги назорат ва жавобгарлик масалалари) асосий мазмун-моҳияти ўзгаришсиз қолаверган.

Ушбу параграф доирасида “*ишончсизлик вотуми*”, “*персона нон-грата*” ёки “*сиёсий депортация*”нинг муайян хусусиятларини ўзида мужассам этган ва деярли унутилган қадимий институт – “*остракизм*”ни янги пайдо бўлаётган замонавий тенденцияларнинг уйғунлигида янада такомиллаштириш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотда *изополитейя* институти (замонавий *бинатрид*) Қадимги Юнонистонда мигрантлар ҳуқуқини амалга оширилишининг энг мақбул усулларида бири бўлганлиги аниқланган.

Айрим олимлар (Г.Юлдашева, Ш.Расулов ва С.А.Гафурова) консуллик институтининг дастлабки кўринишлари айнан Юнонистонда шаклланганлиги ҳақидаги фикрларига диссертант томонидан муносабат билдирган. Хусусан, мигрантлар ҳуқуқи билан муайян даражада алоқадор бўлган *проксения* (ўзаро меҳмондорлик ҳуқуқи), яъни чет эл фуқароларининг манфаатларини ҳимоялаш учун давлат томонидан тайинланган шахслар институти даставвал ихтиёрий равишда фуқаро томонидан мамлакатга ташриф буюрган чет эллик шахсларга бошпана бериш ва уларни ҳимоялаш бўлган бўлса, кейинчалик асосан савдогарлар ва элчиларга нисбатан татбиқ этилганлиги ҳақида хулоса қилинган.

Мазкур бобнинг “*Мигрантлар ҳуқуқларининг табиий ҳуқуқ сифатида шаклланиши*” деб номланган иккинчи параграфидан эрта феодализмдан XX аср ибтидосига қадар бўлган даврда Ғарб ва Шарқ мамлакатлари кесимида, ҳар бир ҳудуднинг тарихий-ҳуқуқий манбалари асосида миграция ҳуқуқи институтларининг шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари хронологик тартибда қиёсий таҳлил қилинган.

Муаллиф тарихий ҳужжатлар асосида Хитойда суғдий мигрантлар учун қулай ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий-молиявий муҳит яратилиши нафақат мазкур имтиёзлар билан, балки масаланинг сиёсий жиҳатларига ҳам боғлиқ бўлган, деб ҳисоблаган. Бинобарин, суғдийлар Кумул шаҳри яқинидаги Хами вилоятини назоратга олиб, бу ерда ҳоконлик тасарруфидаги бошқарувини жорий қилганлар. Самарқандлик Кан Су-ми Ордосдаги Бэйан округи губернатори лавозимига тайинланиб, мазкур ҳудудларга Суғддан мигрантларнинг келиши давом этган. Жумладан, 630 йилда “улуғ сардор” бухоролик Ан Ту-хан 5 минг суғдийни шимолий Хитойга олиб келиб жойлаштирган. Шу тарихи мигрантлар орасида суғдийлар қабул қилувчи

мамлакатнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги таъкидланган.

Қадимги туркий халқларда миграция ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири қочоқлар масаласи алоҳида аҳамият касб этган. Оқсоқоллар томонидан таъқиб қилинаётган қочоқ мақомидаги шахсларни ҳеч ким ўтовига қўйиши мумкин бўлмаганлиги, улар қум-саҳроларга қувиб юборилганлиги, бу эса кўпинча ўлим жазоси билан тенг бўлганлиги аниқланган. З.Муқимовнинг ушбу қувғинни остракизм билан тенглаштирганлиги ҳақидаги фикрларга қисман қўшилмаслиги бўйича асослар келтирилган.

Диссертацияда “Ҳидоя” асарида келтирилган мигрантлар ҳуқуқлари бўйича бир қатор шарҳлар таҳлил қилинган. Масалан, чет эл фуқароси мусулмон мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ қолишига руҳсат берилмаган. Чунки у даромадининг ўндан бир қисми миқдоридан тўлайдиган солиқ бир йил учун мўлжалланган бўлиб, қайта ҳудудга қайтиб келиши билан яна шунча миқдорда келаси бир йил учун солиқ тўлаши лозим бўлган. Ушбу солиқ тури мигрантлар ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган. Агар бошқа дин вакили Ислом динини қабул қилиб, мусулмон мамлакат ҳудудига кўчиб келса, бундай ҳолда у аввалги никоҳини бекор қилиши талаб этилган. Она фарзанди билан бирга бошқа бегона юртга кўчиб кетиши мумкин бўлмаган. Ажрашган аёл ўз боласи билан бошқа жойга кўчиб кетиши ҳам мумкин бўлмаган, лекин никоҳи расмийлаштирилган ўз юртига қайтиб келиши қонуний ҳисобланган. Она боласи билан қишлоқдан шаҳарга кўчиши мумкин, лекин шаҳардан қишлоққа кўчиш фарзандининг камолига салбий таъсир кўрсатиши боис, мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланган.

Архив ҳужжатларига асосланган ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида мигрантларнинг бошпана олиш, яшаш жойини эркин танлаш ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари конституциявий даражада биринчи маротаба Хоразм Халқ Совет Республикасининг 1922 йил 23 июлдаги Асосий қонунида белгиланганлиги аниқланган. Ушбу Конституция ҳеч қандай истисно қоидалар ва бошқа чекловларсиз ҳаракатланиш ҳамда яшаш жойини танлаш эркинлигини мустаҳкамлаган ягона тарихий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, кейинги даврларда қабул қилинган бошқа ҳужжатлар мигрантлар ҳуқуқларини чекловчи ҳаволаки нормаларга эга эканлиги исботланган.

Шу билан бирга, Ўрта аср Шарқ жамиятидан фарқли ўлароқ феодал Ғарб ривожланиш модели миграция ҳуқуқининг барча институтларини тўлақонли шаклланиши билан ажралиб турганлиги тадқиқот ишида алоҳида қайд этилган.

Диссертантнинг фикрича, мигрантлар ҳуқуқларининг мазмун-моҳияти ўрта асрларда ҳам ўзгармаган, фақатгина ҳуқуқий одат даражасидан табиий ҳуқуқ даражасига кўтарилган. Яъни миграция ҳуқуқининг ўрта асрларда сифат жиҳатдан “қадр-қиммати” ошган. Ҳаракатланиш эркинлиги нисбатан чекланиши кузатилган бўлса, миграция ҳуқуқининг паспорт ёки фуқаролик каби бошқа институтлари (масалан, “дунё фуқаролиги” – космополитизм) такомиллашган.

Иккинчи бобнинг “*Мигрантлар ҳуқуқларининг эволюцияси ва замонавий тенденциялари*” деб номланган учинчи параграфда мигрантлар ҳуқуқларининг ривожланиши босқичи – XX асрнинг 20-йилларидан XXI аср бошига қадар бўлган давр таҳлил этилган. Бу даврда миграция ҳуқуқининг барча институтлари юридик жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, улар тобора ривожланиб борган. Мазкур босқич глобаллашув даврига тўғри келганлиги туфайли миграция ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлашганлиги таъкидланган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, ҳаракатланиш эркинлигига доир умумэтироф этилган стандартларни ишлаб чиқишга қаратилган фаолиятни жадаллашиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган. Мазкур модда лойиҳасининг муҳокамасида ҳаракатланиш эркинлигининг тўртта нормасини шакллантириш борасида яқдилликка эришилган. Таянч нормалар қуйидагилардан иборат бўлган: 1) ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи; 2) яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи; 3) ҳар қандай давлатни тарк этиш ҳуқуқи; 4) ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқи.

Диссертантнинг аниқлашича, ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқининг бешинчи таянч нормаси ёки “*бешинчи элемент*” – исталган мамлакат худудига кириш ҳуқуқи ёки иммиграция ҳуқуқи, гарчи дастлабки муҳокамаларда тилга олинган бўлса-да, бироқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасида ўз аксини топмаган. 1952 йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси “*бешинчи элемент*” масаласига яна қайтган, бироқ шундан бери саъй-ҳаракатлар самара бермасдан келган. Яъни Декларацияда эмиграция ҳуқуқи эътироф этилган бўлса-да, иммиграция ҳуқуқи кўзда тутилмаган.

Тадқиқотда ҳозирги кунгача эмиграция инсон ҳуқуқлари сифатида эътироф этилиши ва иммиграция эса миллий суверенитет масаласи ҳисобланиши ўртасида қарама-қарши фикрлар мавжудлиги келтирилган. Муаллифнинг фикрича, эмиграция ва иммиграция ҳуқуқлари ўртасида мувозанатнинг бузилганлиги боис бутун дунё бўйлаб миграция жараёнларини бошқариш тобора мураккаблашиб, оқибатда ноқонуний миграция ҳамда одам савдоси каби жиноятлар кўпайган. Мазкур таҳлилдан келиб чиқиб, Декларациянинг 13.2-моддасини қайта кўриб чиқиш ва “иммиграция ҳуқуқи” билан тўлдириш лозим, деб топилган.

Тадқиқотда мигрантлар ҳуқуқларининг шаклланиши ва ривожланишининг сўнгги босқичига мажбурий кўчирилганлар ва қочоқларнинг ҳаракатланиш эркинлигини кафолатлаган “*Нансен паспорти*” ёки “*Нансен феномени*” каби жиҳатлар хослиги аниқланган.

Ушбу параграф доирасида диссертант Ўзбекистоннинг 1924 йилдан 1991 йилга қадар бўлган миграция ҳуқуқи тарихини “турғунлик даври” сифатида баҳолашни қуйидаги тарихий фактлар билан исботлаган:

биринчидан, 1932 йилдан 1958 йилга қадар ҳаракатланиш эркинлиги қаттиқ чекланганлиги, масалан, аҳолининг шаҳарларга эркин миграциясини

олдини олиш мақсадида жамоа хўжаликлари аъзоларига паспорт берилмаганлиги;

иккинчидан, 1924, 1936 ва 1977 йилдаги совет конституцияларининг ҳеч бирида ҳаракатланиш эркинлиги ва кафолатлари ҳақида сўз юритилмаганлиги;

учинчидан, Совет иттифоқининг дастлабки йиллариданоқ кучли паспорт тизими ва мажбурий прописка институтининг жорий қилинганлиги;

тўртинчидан, жиноятчиликни олдини олиш мақсадида собиқ судланган шахслар нафақат ҳаракатланиш эркинлигига, балки яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги;

бешинчидан, крим-татарларини мажбурий кўчирилганлиги, этник немислар каби аҳолининг айрим “номақбул” гуруҳларини чиқариб юборилганлиги, уларнинг паспортларини тортиб олинганлиги ёки прописка қилиш рад этилганлиги ва ҳоказо.

Шунингдек, Ўзбекистонда миграция ҳуқуқининг тадрижий суратда ислоҳ қилиниши илк маротаба 2017 йилдан бошланганлиги ва бу давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли Янги Ўзбекистонда бошланган миграция ҳуқуқининг янги даври билан тавсифланиши асослантирилган.

Диссертациянинг учинчи боби **Мигрантлар ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили**” деб номланиб, унда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмлари тавсифланиб, эмигрантлар ҳуқуқларига оид хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда реципиент мамлакатларда айрим тоифадаги мигрантлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича илғор амалиёт қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг *“Мигрантлар ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва механизмлар тавсифи”*га бағишланган биринчи параграфида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро институционал механизмлар, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг хусусиятлари очиб берилган.

Мигрантлар ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилишда F.Alba, R.P.Bernarte, L.Boinnard, R.Cholewinski, J.Debonneville, M.P.Dionela, P.Diphusha, A.M.Hilsdon, P.C.Jessup, H.Lauterpacht, J.P.Orellana, D.Vázquez, D.Weissbrodt, К.Ш.Арипова, А.Божкараулы, Е.М.Емельянова, П.А.Маккамбаев, Б.Т.Мусаев, А.Х.Саидов, Л.А.Саидова, О.Р.Сулаймонов, М.А.Тиллабаев, Х.М.Юнусов каби олимларнинг илмий асарлари ушбу соҳада улкан ишончли манба эканлиги таъкидланган.

Диссертация ишида универсал, минтақавий ва икки томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий талаблари кўриб чиқилган бўлиб, бунда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш миллий тизимларининг ривожланишига таъсир этиш тенденциялари аниқланган.

Жумладан, тадқиқотда мигрантлар ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий ҳимояси тўрт асосий ва махсус ҳужжат – Халқаро меҳнат ташкилотининг 1949 йилдаги Меҳнаткаш мигрантларга доир 97-сонли ва 1975 йилдаги Миграция соҳасидаги суиистеъмолликлар ва меҳнаткаш-мигрантларга имкониятлар тенглигини таъминлаш тўғрисидаги 143-сонли конвенциялари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йилдаги 40/144-сонли резолюцияси билан қабул қилинган Истиқомат қилаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари декларацияси ҳамда БМТнинг 1990 йилдаги Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенция билан кафолатланиши асослантирилган.

Муаллифнинг фикрича, аксарият мамлакатларда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган қонунлар қабул қилинганлигига қарамай, амалда уларни камситиш ҳолатлари тобора ошиб бормоқда. Трансчегаравий хусусиятга эга эканлиги боис, донор мамлакатларнинг миллий қонунчилиги эмигрантларнинг инсон ҳуқуқларини поймол бўлишини олдини олишга қодир эмас, бунинг учун икки томонлама келишувларга кўпроқ урғу берилиши лозимлиги қайд этилган.

Параграф доирасида диссертант БМТнинг 1985 йилдаги “Истиқомат қилаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари декларацияси” ва 2016 йилдаги “Қочоқлар ва мигрантлар тўғрисида”ги Нью-Йорк декларациясига мувофиқлаштириш, шунингдек, мигрантлар ҳуқуқларига доир барча конвенцияларни, шу жумладан, 2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Мигрантларни қуруқлик, ҳаво ва денгизда ноқонуний тарзда олиб ўтишга қарши қўшимча протоколини ратификация қилиш ва уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш ғоясини илгари сурган.

Ишда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларни шартли равишда *умумий* (БМТнинг тараққиёт дастури, ЕХХТ, Европа иттифоқи ва ҳ.к.) ва *махсус* (ХМТ, БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси, МХТ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши, Махсус маърузачи) турларга ажратган ҳолда тадқиқ қилинган.

2016 йилдаги “Қочоқлар ва мигрантлар тўғрисида”ги Нью-Йорк декларацияси ва инклюзив ёндашув тарафдорларининг илмий асосларидан келиб чиққан ҳолда БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси ва Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ягона органга бирлашиши ёки уларнинг мандатларини тубдан қайта кўриб чиқиш тақозо этаётганлигини асослаб берган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Эмигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга оид хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили*”га бағишланган бўлиб, унда Филиппин, Индонезия, Ҳиндистон, Мексика ва Сальвадор каби давлатлар қонунчилигида мавжуд ҳуқуқий механизмлар ўрганилган ва уларни миллий тизимга татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган. Жумладан, диссертант томонидан қуйидаги тажрибаларни жорий этиш зарурати илмий жиҳатдан исботланган:

Филиппин тажрибасига кўра, хорижга кетишдан олдин танишув семинарлар шаклидаги ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва тарғибот ишлари эмигрантлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда муҳим усуллардан бири сифатида қўлланилиши, шунингдек, энг кўп ва тизимли равишда ўзбекистонлик мигрантлар ҳуқуқлари бузиладиган мамлакатларни таҳлил қилиш орқали аниқлаш ва бу каби йўналишларга (масалан, муайян мамлакатга уй хизматчи аёлларини юборишни тўхтатиш) ишчи кучини етказиб беришга мораторий эълон қилиш орқали уларнинг инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишини олдини олиш мумкин.

Индонезия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам эмигрантлар борадиган мамлакат тилини билиш бўйича талаб жорий қилиш зарур. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисида сертификат ёки халқаро сертификатларга эга бўлган талабгорлар хорижга ташкиллаштирилган ҳолда ишга жўнатилиши белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Муаллифнинг фикрича, эмигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда айрим чекловлар ва шартлар мавжудлиги аниқланган. Жумладан, Ҳиндистонда шахвоний эксплуатациянинг олдини олиш мақсадида 30 ёшга тўлмаган хотин-қизлар махсус рухсатномасиз мамлакатни тарк этиш ҳуқуқига эга эмас, Мексикада эса, хорижда меҳнат фаолияти олиб бормоқчи бўлган мексикалик фуқаролар қабул қилувчи мамлакатнинг ишлашга рухсатномасига эга бўлиши талаб этилади.

Сальвадор тажрибаси асосида эмигрантлар ҳуқуқларини амалга оширишда ижтимоий шерикчилик принципига асосланиб, мазкур масалага фуқаролик жамиятининг нафақат маҳаллий, балки мигрантларни қабул қилувчи хорижий мамлакатлардаги институтларини ҳам кенгроқ жалб қилиш ва улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш лозим.

Параграф доирасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаси (297 *нафар* респондентлардан 163 *нафари* хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришда деярли барча ҳуқуқлари поймол бўлганлигини, 76 *нафари* фақатгина ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келганлигини ва қолган 58 *нафари* сиёсий ҳуқуқлардан ташқари барча ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ амалга оширилганлигини тасдиқлашган) ўз мамлакатларига қайтган мигрантларни шартли равишда уч тоифага ажратиш имконини берган:

биринчидан, муваффақиятли эмигрантлар, яъни чет элда бўлган даври ичида расман меҳнат шартномаси ва ижтимоий суғуртага эга бўлган, деярли ҳеч қандай юридик муаммога дуч келмаган (муаммо юзага келган тақдирда қаерга ва қандай мурожаат қилишдан хабардор бўлган), иш ҳақини тўлиқ ва вақтида олиб, сафаридан мамнун ва соғлом қайтганлар тоифаси;

иккинчидан, муваффақиятсиз эмигрантлар, яъни чет элда бўлган даври ичида тил ёки маданий мослашуви билан бир қаторда турли юридик муаммога дуч келган, расман меҳнат шартномаси тузилмаганлиги боис иш ҳақини тўлиқ ёки вақтида олмаган, ижтимоий суғуртасиз бемор бўлиб қайтганлар тоифаси;

учинчидан, ноқонуний миграция ёки одам савдосидан азият чеккан эмигрантлар, яъни уларнинг инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилганлар тоифаси.

Ушбу бобнинг *“Реципиент мамлакатларда айрим тоифадаги мигрантлар ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича илғор амалиёт”* деб номланган учинчи параграфда миграциядаги шахслар орасида мажбурий кўчирилганлар, меҳнаткаш-мигрантлар, репатриантлар, сиёсий бошпана олган, ўз оиласи билан бирлашиш мақсадидаги шахслар, қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мигрантларни қабул қилувчи – реципиент мамлакатлар тажрибаси комплекс тадқиқ этилган.

Россия Федерациясида мажбурий кўчирилган (баъзан “мамлакат ичида кўчирилган”) шахслар, АҚШ, Канада, Франция ва Норвегияда меҳнаткаш-мигрантлар, Туркия, Исроил ва Германияда репатриантлар, Италия, Испания ва Бразилияда сиёсий бошпана олган шахслар, Австралия ва Португалияда ўз оиласи билан бирлашиш мақсадидаги шахслар, Буюк Британия ва Польшада қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос илғор амалиётни ҳуқуқий жиҳатдан қиёслаб ўрганиш натижасида бир қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган. Масалан, АҚШ иқтисодиётига ҳисса қўшмоқчи бўлган мигрантларга “сармоя иммиграцияси” дастури жорий қилинган бўлса, чет эл фуқароси Франция ҳудудида беш йил истиқомат қилгач, унга 10 йил муддатга узоқ муддатли ишлаш рухсатномаси ва яшаш гувоҳномаси тақдим этилиши мумкин.

Норвегия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган чет эл фуқаролари виза олишдан олдин ишлаш учун рухсатномаларни Ўзбекистоннинг тегишли давлатлардаги элчихоналари орқали ёки онлайн тарзда расмийлаштириш тартибини белгилаш маҳаллий меҳнат бозорини малакасиз ишчи кучидан сақлаш ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишида аниқланишича, репатриация масаласини тартибга солувчи биринчи қонун 1934 йилда Туркияда ва 1950 йилда Исроилда қабул қилинган. Аксарият давлатларда (Германия, Италия, Испания, Португалия, Франция, Венгрия, Болгария, Бразилия, Польша, Словакия, Руминия, Чехия, Вьетнам, Озарбайжон, Беларусь, Туркменистон, Украина, Молдова, Ўзбекистон ва ҳоказо) сиёсий бошпана ҳуқуқи бевосита уларнинг конституциясида мустақамланган бўлса, айрим мамлакатларнинг (АҚШ, Греция, Япония, Дания, Люксембург, Швеция, Финляндия, Австрия, Буюк Британия, Ирландия, Нидерландия, Арманистон ва ҳоказо) конституцияларида сиёсий бошпана ҳуқуқи ҳақида норма мавжуд эмас.

Австралия қонунчилигига мувофиқ, камида 12 ой никоҳда бўлган турмуш ўртоғи (эри ёки хотини), бўлгуси турмуш ўртоғи, қарамоғидаги болалари, ота-онаси, бошқа қариндошлари доимий яшаш учун ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Сохта никоҳларга алданмаслик мақсадида даставвал вақтинчалик виза, фақат икки йилдан кейин доимий истиқомат қилиши учун рухсатнома тақдим этилади. Шунингдек, миграция оқимини назорат қилиш мақсадида Австралия қонунчилиги миқдорий чекловларни ҳам кўзда тутган. Самарали чоралардан

яна бири аризачининг молиявий кўмак кафолатини тақдим этиш талаби ҳисобланади. Бунинг учун Австралия банкига икки йиллик муддатга 1,5-10 минг Австралия доллари миқдорида гаров қўйилади.

Диссертантнинг фикрича, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида барча мамлакатлар учун универсал ва ягона модель бўлиши мумкин эмас. Зеро, мигрантлар ҳуқуқларига доир қонунчиликни шакллантириш билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва миграция хизмати ходимларини уларга қатъий амал қилиш руҳида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ҳуқуқ бузилишига йўл қўйганларга кескин таъсир чораларини қўллаш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш талаб этилади.

Ўрганилган давлатлар тажрибасига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомни “Сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилинган тақдирда шахс шикоятларни қайта пухта кўриб чиқиш учун фуқаролик жамияти институтларининг йирик намояндалари, профессионал судьялар, БМТ Олий комиссари бошқармаси вакиллари билан иборат Апелляция комиссиясига мурожаат қилишга ҳақли”, деган банд билан тўлдириш лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланиб, унда Янги Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, миллий механизмлари, шунингдек, рақамли маконда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари кўриб чиқилган.

Бобнинг биринчи параграфи “*Янги Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш*”га бағишланган бўлиб, унда бир қатор хорижий мамлакатларда (Арманистон, Беларусь, Грузия, Канада, Қирғизистон, Қозоғистон, Марокаш, Молдова, Озарбайжон, Россия, Руминия, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Украина, Эстония) фуқароларнинг миграцияга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш амалиётини таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистонда эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлашга оид конституциявий нормаларнинг кафолатларини янада мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланишига қайд этилиб, бу борада К.Х.Абдурахманов, А.Б.Гафуров, А.Б.Гулимов, Б.Т.Мусаев, Т.К.Нарбаева, А.Х.Саидов, М.А.Тиллабаев, А.А.Туляганов, И.Т.Тургунов, М.Ш.Усманов, Ф.У.Хамдамова каби олимларнинг илмий изланишларига таяниб, Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва унга риоя қилиш зарурати мавжудлиги асослаб берилган.

Тадқиқот ишида пандемия туфайли юзага келган вазият мигрантлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ушбу йўналишда мувофиқлаштирилган чоратadbирларни кўриш, жумладан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан миграциядаги шахсларга доир маълумотларнинг тезкор алмашинувини йўлга қўйиш зарурлиги аниқланган.

Диссертант томонидан суд қарорлари ёрдамида аксарият масалаларга аниқлик киритиш мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда миграцияга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституциявий суд томонидан шарҳлаш амалиётини жонлантириш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Юридик илмий адабиётлар таҳлили, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳуқуқий мақомидаги фарқлар камайиб бориши иккала тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатининг доираси у ёки бу мамлакат иқтисодий ва сиёсий салоҳиятига боғлиқлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида уларнинг ҳуқуқий ҳолатини *умумий, махсус ва имтиёзли* режимга ажратиш имконини берган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Конституциясининг миграция ҳуқуқига доир учта принципни (Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда, мамлакатимизда қонуний асосда бўлиб турган ҳар қандай шахс эркин ҳаракатланиши; Ўзбекистон фуқаросини Республика ҳудудига хоҳлаган вақти ва тўсиқларсиз қайтиб келиши; эркин жой танлаш) қайта кўриб чиқиш орқали 28-моддадаги ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш таклифини асослантирган. Бундан ташқари, тадқиқот асосида мигрантларга нафақат ҳуқуқ, балки бурчлар ҳам конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланиши мақсадида 48-51-моддаларда *“фуқаро”* сўзини *“ҳар бир шахс”* сўзи билан алмаштириш ғояси илгари сурилган.

Мигрант мамлакат ичидаги ҳуқуқий ҳимояни амалга оширишга ваколатли бўлган суднинг барча инстанцияларини ўтагач ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилмаган деб ҳисоблаган тақдирда, халқаро даражадаги ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли бўлиши лозим. Шу боис, Конституциянинг 44-моддасини *“Шахс барча инстанцияларини ўтагач ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилмаган, деб ҳисоблаган тақдирда, халқаро даражадаги ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли.”*, деган қўшимча банд билан тўлдириш лозимлиги исботланган.

Тўртинчи бобнинг *“Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг миллий механизмларини ривожлантириш”* номли иккинчи параграфида Ўзбекистон шароитида мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг миллий механизмларининг ягона модели ишлаб чиқилган. Унга кўра, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юрисдикциявий усулининг барча хусусиятларини қамраб олган ушбу модель судга доир бўлган ва доир бўлмаган ҳимоя турларидан иборат.

Параграф доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан, парламент Омбудсмани, болалар Омбудсмани, Бизнес-вакил ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан

бир қаторда Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятлари комплекс тадқиқ этилган. Масалан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, хорижда ишлаётган 314,1 минг меҳнат мигрантига ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 892,1 минг АҚШ доллари (биргина 2020 йилнинг ўзида 66,435 АҚШ доллари) миқдоридagi иш ҳақлари иш берувчилардан ундириб берилган. Бошпанасиз қолган 308 нафар меҳнат мигранти вақтинча яшаш жойлари (ҳостел) билан таъминланган, оғир вазиятга тушиб қолган 302 киши, шунингдек, турли сабаблар боис вафот этган 408 нафар фуқаро жасади Ватанга қайтариб олиб келинган. Шунингдек, ташқи меҳнат миграциясининг географиясини кенгайтириш мақсадида Германия, Япония, Словакия, Швейцария, Нидерландия, Болгария, Латвия, Литва каби 25 та давлат иш берувчилари билан 382 та ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Илмий изланиш давомида мигрантлар ҳуқуқларига доир муурожаатлар ўрганилганда, 2021 йилда мамлакатимиздаги иммигрантлар томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида суд ҳокимиятига киритилган даъво аризалари 2020 йилга нисбатан 2 баробарга кўпайган бўлиб, бир томондан ижобий ҳолат, яъни суд ҳокимиятига ишончнинг тобора ошиб бораётганлиги қувонарли бўлса, иккинчи томондан салбий ҳолат, яъни мамлакатимизда қонуний бўлиб турган мигрантлар ҳуқуқларининг бузилиши йил сайин кўпайиб бораётганлиги аниқланган.

Амалиёт ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида мамлакатимиздаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томондан миграция қонунчилигини бузиш ҳолатлари 2018 йилда 5764 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб бу рақам 2680 тагача, яъни 46 фоизга ёхуд деярли икки баробарга камайганлиги қайд этилган. Албатта, бу бир томондан, давлатимиз томонидан миграция жараёнларини самарали тартибга солишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан очиқ мулоқот ўрнатганлиги, ўз фаолиятига шаффофлик ва инновация каби усулларни жорий қилганлиги ҳамда қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошганлигидан гувоҳлик беради.

Муаллиф мигрантлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 7-моддасини мазмунан кенгайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Шу ўринда Ш.Зокировнинг “фуқаро” сўзи ўрнига барча ўринларда “жисмоний шахс” атамасини қўллаш бўйича фикрини қўллаб-қувватлаган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи билан бевосита шуғулланувчи алоҳида ихтисослашган ваколатли орган мавжуд бўлмаса-да, вазирлик ва идораларнинг таркибидаги тузилмалари миграция жараёнларини номарказлашган горизонтал ҳолда тартибга солиб келиши, шунингдек, уларни *махсус ваколатли ихтисослашган* ва *умумий ваколатли ёрдамчи* давлат органларига ажратиш мумкинлиги асослантирилган.

Тадқиқотчи мигрантларнинг конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилиши учун уларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида (масалан, маъмурий ёки суд органларига ариза ёки шикоятларни шакллантириш, тақдим этиш тартиби ва муддатлари) давлат ресурслари етарли бўлмаган тақдирда, давлатнинг бу борадаги айрим функциялари ижтимоий шериклик асосида нодавлат ташкилотларга ўтказилиши лозимлигини исботлаган.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи *“Рақамли маконда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари”* деб номланиб, унда муаллиф томонидан ишлаб чиқаришнинг янги техник имкониятлари ва коммуникация воситаларининг пайдо бўлиши билан мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни инновацион ечимлари тадқиқ этилган.

Ахборот асрининг жадаллашуви билан миграция соҳасидаги жисмоний кўчмасдан туриб *“электрон ҳаракатчанлик”* (телемехнат, телемедицина, онлайн-тадқиқот ва ҳоказолар), ахборотга эҳтиёжини ИКТ орқали амалга оширадиган *“рақамли мигрант”* (мигрантларнинг ижтимоий тармоқлардаги ҳозирлиги, виртуал ҳамжамияти ва ҳоказолар), *“трансмиллий миграция”*, *“рақамли диаспора”*, *“уланган ёки онлайн мигрант”* каби янги сўз бирикмалари юзасидан муносабат билдирилган.

Диссертантнинг фикрича, мигрантлар учун интерактив хизматлар қанчалик содда ва оддий бўлса, коррупциявий жиноятлар шунчалик камаяди. Яъни мигрант учун ҳужжатларини расмийлаштириш, меҳнат қилиш учун рухсатнома олиш, виза муддатини узайтириш ва бошқа шу каби муаммоларини ҳал қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш бирор мансабдор шахсга пора беришдан кўра осонроқ бўлиши керак, шундагина у ноқонуний йўлни танламаслиги мумкинлиги асослантирилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган мобил иловалар, дастурлар, маълумотлар базаси ёки сунъий интеллект асосидаги бошқа шу каби инновацион маҳсулотларнинг деярли барчаси *миграцияни бошқаришга* оид бўлиб, *мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга* қаратилганлари озчиликни ташкил қилишини аниқланган.

П.Молнарнинг *“маълумотлар мустамлакаси”* ҳақидаги илмий изланишларига таяниб, рақамли технологиялар ёрдамида мигрантлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва шу орқали уларни кузатувга олиш *“миллий хавфсизлик, инсонпарварлик ва тараққиёт”* шиорлари остида амалга оширилаётганлиги танқид остига олинган.

Муаллиф Ф.Ҳамдамованинг рақамлаштириш жараёнлари халқаро ҳуқуқда янги тушунчалар ва тармоқларнинг пайдо бўлишига ёрдам бериши ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқ назариясини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ғояларини қўллаб-қувватлаб, рақамли маконда мигрантлар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш ва самарали ҳимоя қилиш мақсадида мигрантларнинг онлайн муҳитдаги ҳуқуқ ва эркинликларига доир ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, шунингдек, мигрантларнинг рақамли саводхонлигини ошириш ва янги рақамли миграция ҳуқуқи соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш каби устувор йўналишларни таклиф қилган.

Бу борада ўзбекистонлик олимлар Б.И. Эгамбердиевнинг “e-migrant” дастури, С.Д. Джолдасованинг ID-картасини олишнинг маъмурий регламенти ва Дж.Х. Юлдашевнинг “Fuqarolik” мобил иловаси ҳақидаги инновацион ғоялари тадқиқ қилиниб, диссертант томонидан ишлаб чиқилган “Musofir-Madad” платформасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бироқ ижтимоий сўров натижаларига кўра, мазкур платформалар ва тегишли дастурий таъминотдан кенг фойдаланилиши тўғрисида фуқароларнинг хабардорлиги юқори даражада эмаслиги (4,7 фоизи) боис ушбу соҳадаги инновацион ишланмалар ва улардан фойдаланиш борасида тарғиботларни янада жонлантириш шартлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, “Musofir-Madad” платформасидан хабардор бўлган респондентларнинг аксарият кўпчилиги (85,7 фоизи) ушбу платформа туфайли керакли давлат хизматларидан тез, осон ва қулай фойдаланиш мумкинлиги эътироф этилган.

ХУЛОСА

Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. “Мигрант”, “мигрантнинг ҳуқуқий мақоми”, “мигрантлар ҳуқуқлари”, “мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш”, “мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ва “ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги” тушунчаларига нисбатан замонавий ёндашувдаги қуйидагича муаллифлик таърифлари шакллантирилди ва уларни миллий қонунчиликка киритиш зарурати асослантирилди:

мигрант – ҳуқуқий мақоми, кўчишининг ихтиёрий ёки ноихтиёрий хусусияти, сабаби ёки бўлишининг давомийлигидан қатъи назар ўзининг одатий истиқомат қилувчи жойини тарк этиб ва давлат чегараси орқали ёки давлат ичида кўчиб ўтаётган ёки кўчиб ўтган ҳар қандай шахс;

мигрантнинг ҳуқуқий мақоми – миграциядаги шахснинг муайян давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни, ижтимоий мавқеи, шунингдек, ҳуқуқ нормалари билан белгиланган фуқаролиги, принциплари, лаёқати, ҳуқуқ ва эркинликлари, имтиёзлари, кафолатлари, бурч ва мажбуриятларининг мажмуи;

мигрантлар ҳуқуқлари – инсон ҳуқуқларининг концептуал ва норматив “устахона”си ҳамда миграция жараёнларида ижтимоий неъматлардан фойдаланишнинг юридик жиҳатдан кафолатланган имкониятлар ҳисобланиб, объектив ва субъектив ҳуқуқнинг бир қисми;

мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш – миграциядаги шахсларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ва муайян ижтимоий неъматларни олиш мақсадида уларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган фаолияти;

мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – давлат идоралари ва муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат

бирлашмаларининг мажбурий юридик фаолияти бўлиб, мигрантларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида қонуний усуллардан фойдаланишни англатиб, муайян қонуний шаклда амалга ошириладиган ва ҳуқуқий тартибга солинадиган махсус тартиб-таомиллар ва чора-тадбирлар мажмуи;

ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги – инсоннинг қонуний бўлиб турган мамлакат ҳудудида яшаш жойини ўзи, тўсиқсиз белгилаши ҳамда ҳаракатланиши манфаатларидан фойдаланишнинг кафолатланган, табиий пайдо бўладиган, ажралмас ва қонунан мустаҳкамланадиган имконияти.

2. “Мигрант” атамасини ҳуқуқий жиҳатдан таърифлашда “инклюзивист” ва “резидуалист”лар илмий мактаблари шаклланганлиги, мазкур тушунчани таърифлашда инклюзив ёндашув мақсадга мувофиқлиги ҳамда “барча қочоқлар мигрант эканлиги, лекин ҳар қандай мигрант ҳам қочоқ эмас”лиги фалсафий ғояси исботланди.

3. Миграция соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг хусусиятига қараб, мигрантларни “ички ёки кириш”, “меҳнат” ва “ташқи ёки чиқиш” каби 3 турга бўлиш лозимлиги миграция ҳуқуқидаги илк янги мезон сифатида асосланди.

4. Мигрантлар ҳуқуқлари умумий ва махсус гуруҳларга, шунингдек, мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари 4 та тоифага ажратилди:

1) шахснинг қабул қилувчи мамлакатга кириши, у ерда бўлиши ва ҳуқуқий мақомини ўзгариши оқибатида бузиладиган ҳуқуқлари;

2) шахснинг қабул қилувчи мамлакатдан чиқариб юборилиши оқибатида бузиладиган ҳуқуқлари;

3) шахснинг қабул қилувчи мамлакатда маъмурий қамоққа олиниши оқибатида бузиладиган ҳуқуқлари;

4) шахснинг қабул қилувчи мамлакатда энг зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари.

5. Мигрантлар ҳуқуқларига доир одатларнинг олдинги ҳулқ-атвор қоидаларидан фарқли уч жиҳати аниқланди:

1) бир жойдан иккинчи жойга кўчиш имконияти универсал хусусиятга эга бўлган;

2) миграцияга доир ўрнатилган қоидаларни бузиш қаттиқ жазоланган;

3) миграция ҳуқуқини амалга оширилиши ва назорати давлат томонидан таъминланган.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13-моддасини қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдириш лозим:

“3. Ҳар бир инсон исталган мамлакатига кириш ҳуқуқига эга”.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

1) 28-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“28-модда. Ўзбекистон Республикасида қонуний асосда бўлиб турган ҳар бир шахс Республика ҳудудида эркин ҳаракатланиши, турар ва яшаш жойини

танлаши ва Ўзбекистон Республикасини тарқ этиши ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республикага тўсиқсиз ва исталган вақт қайтиб келиш ҳуқуқига эга”.

2) 38 ва 48–51-моддалардаги “фуқаро” сўзини “ҳар қандай шахс” сўзлари билан алмаштириш:

“38-модда. Ёлланиб ишлаётган ҳар қандай шахс дам олиш ҳуқуқига эгадир. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

48-модда. Ҳар қандай шахс Конституция ва қонунларга риоя этишига, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишига мажбурдирлар.

49-модда. Ҳар қандай шахс Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашига мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. Ҳар қандай шахс атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурдирлар.

51-модда. Ҳар қандай шахс қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашига мажбурдирлар.”

3) 44-модданинг биринчи хатбошисини қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдириш:

“Шахс барча инстанцияларини ўтагач ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилмаган, деб ҳисоблаган тақдирда, халқаро даражадаги ташилотларга мурожаат қилишига ҳақли.”

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасини қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилари билан тўлдириш лозим:

“мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини амалга ошириш мақсадида хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган шахслар учун кетишдан олдин тайёрлов курсларини ташиқлаштириш, хориждаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя кўрсатиш, шунингдек, Ватанга қайтган меҳнат мигрантларининг реинтеграциясига кўмаклашиш”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

“17. Сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилинган шахс шикоят қайта кўриб чиқилиши учун профессионал судьялар, фуқаролик жамияти институтлари ва БМТ Олий комиссари бошқармаси вакиллари билан иборат Апелляция комиссиясига мурожаат қилишига ҳақли.”

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раисининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Илмий даражалар

берувчи илмий кенгаш тузиш тўғрисида”ги 403-сонли қарорининг 2-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

“2. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ҳузуридаги DSc.39/30.11.2020. Yu/S. 128.01 рақамли илмий кенгашга қуйидаги ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказишга рухсат берилсин:

12.00.13 – “Инсон ҳуқуқлари (юридик фанлар, социология фанлари)”;

12.00.15 – “Миграция ҳуқуқи””

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 53-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган Қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторидаги “19.05.00.00 Аҳоли” бандини “19.05.00.00 *Миграция ҳуқуқи*” сўзлар билан алмаштириш лозим.

7. Миллий қонунчилик нормаларини БМТнинг 1985 йилдаги “Истиқомат қилаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари декларацияси” ва 2016 йилдаги “Қочоқлар ва мигрантлар тўғрисида”ги Нью-Йорк декларациясига мувофиқлаштириш зарур.

8. Мигрантлар ҳуқуқларига доир барча конвенцияларни, шу жумладан, 2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Мигрантларни қуруқлик, ҳаво ва денгизда ноқонуний тарзда олиб ўтишга қарши қўшимча протоколини ратификация қилиш ва уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш ўринлидир.

9. Мигрантларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича ҳар бир давлат миллий индикаторларини ишлаб чиқиши ва ундан унумли фойдаланиши юридик мажбуриятларга риоя қилиш ва мониторингини амалга оширишга ижобий таъсир ўтказишини инобатга олиб, Ўзбекистонда Мигрантлар ҳуқуқларининг миллий индикаторини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

III. Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар:

1. Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг техник кўмагида Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳузурида “Мигрантлар ҳуқуқларини мониторинг қилиш” бўйича алоҳида бўлим ва call-марказни ташкил этиш айтиш муддао бўларди.

2. Мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари поймол этилишидан муҳофаза қилиш учун “синергия принципи”дан фойдаланиш, яъни нафақат суд ёки инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, балки адвокатлар, прокурорлар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

3. Ўзбекистонда эмигрантлар борадиган мамлакатда аҳолиси кўп сўзлашадиган тилни билиш бўйича талаб жорий қилиш, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисида сертификат ёки халқаро сертификатларга эга бўлган талабгорлар хорижга ташкиллаштирилган ҳолда ишга жўнатилиши лозим.

4. Ўзбекистонлик мигрантлар ҳуқуқлари энг кўп ва тизимли равишда бузиладиган мамлакатларни таҳлил орқали аниқлаш ҳамда муайян йўналишлар бўйича (масалан, уй хизматчи аёлларини юборишни тўхтатиш) ишчи кучини етказиб беришга мораторий эълон қилиш орқали уларнинг инсон

ҳуқуқлари поймол бўлишини олдини олиш чораларини белгилаш талаб этилади.

5. Мигрантлар ҳуқуқлари инновацион тажрибалар объектига айланиши мумкин бўлганда, технологлар ва қонунчиқарувчилар биргаликда қуйидаги таклифларни амалга оширишлари керак:

1) шаффофлик ва ҳисобдорлик принципи асосида инновацион маҳсулот мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда вазифалари ҳақида мигрантларни барвақтроқ хабардор қилиш;

2) инновацион маҳсулотни жорий қилиш билан бир пайтнинг ўзида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларга мувофиқ келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

3) миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги инновацион технологияларни инсон ҳуқуқларига мувофиқлигини текширадиган ва мониторинг қиладиган институционал механизмни яратиш.

6. Мигрант учун ҳужжатларини расмийлаштириш, меҳнат қилиш учун рухсатнома олиш, виза муддатини узайтириш ва бошқа шу каби муаммоларини ҳал қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали коррупциявий жиноятлар олдини олиш лозим.

7. Рақамли маконда мигрантлар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш ва самарали ҳимоя қилишнинг қуйидаги икки устувор йўналишини таклиф қилинади:

1) мигрантларнинг онлайн муҳитдаги ҳуқуқ ва эркинликларига доир ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш;

2) мигрантларнинг рақамли саводхонлигини ошириш ва янги рақамли миграция ҳуқуқи соҳасида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш.

8. “Миграцияшунослар жамияти”га асос солиш ҳамда “Миграция ва инсон ҳуқуқлари” номли илмий-оммабоп журнални таъсис этиш муҳим аҳамият касб этади.

9. 2016 йилдаги “Қочоқлар ва мигрантлар тўғрисида”ги Нью-Йорк декларацияси ва инклюзив ёндашув тарафдорларининг илмий асосларидан келиб чиққан ҳолда БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси ва Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг ягона органга бирлашиши ёки уларнинг мандатларини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

10. Бош прокуратура Академиясининг миграция соҳасидаги интерактив давлат хизматларини ягона майдонга бирлаштирган “Мусофир” номли рақамли визалар платформасини “Мадад” ННТ юридик клиникаси билан интеграция қилиш орқали мигрантларга юқори малакали ва тезкор онлайн юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш зарур.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.39/30.11.2020. Yu/S. 128.01 AT THE NATIONAL HUMAN RIGHTS
CENTER OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE NATIONAL HUMAN RIGHTS CENTER OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

ISOKOV LUKHMONJON KHOLBOEVICH

**ENSURING AND PROTECTION OF MIGRANTS' RIGHTS:
COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS**

12.00.13 – Human rights

**ABSTRACT OF THE DISSERTATION
of doctoral (DSc) dissertation on legal sciences**

Tashkent – 2022

The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number B2021.4.DSc/Yu187.

The dissertation is prepared at the National human rights center of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Scientific Council (<http://nhrc.uz/oz/menu/avtoreferat>) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor: **Saidov Akmal Kholmatovich**
Academician, Doctor of Science in Law, Professor

Official opponents: **Toshev Boboqul Norqobilovich**
Doctor of Science in Law, Professor

Turgunov Ilhom Turgunovich
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Yuldashev Jakhangir Khayitovich
Doctor of Science in Law, Associate Professor


Leading organization: **University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan**


The defense of the dissertation will be held on September 12, 2022 at 15:00 at session of the Scientific Council DSc.39/30.11.2020. Yu/S. 128.01 at the National human rights center of the Republic of Uzbekistan (Address: 100029, Islam Karimov street, 15. Tashkent, Uzbekistan. Phone: +998 71 239 13 58, fax: +998 71 239 43 39, e-mail: info@nhrc.uz).


The dissertation is available at the Information Resource Centre of the National human rights center of the Republic of Uzbekistan (registered No. 2). Address: 100029, Islam Karimov street, 15, Tashkent, Uzbekistan.

The abstract of the dissertation submitted on August 30, 2022.
(Registry Protocol No. 2 of August 30, 2022).




M.A. Tillabaev
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor


U.S. Ochilov
Scientific secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor


A.A. Tulyaganov
Chairman of the scientific seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

INTRODUCTION (annotation of doctoral (DSc) dissertation)

The actuality and relevance of the dissertation theme. Recognition, protection and ensuring of human rights and freedoms strengthened by universally recognized norms is one of the main conditions for creating an active civil society with a strong legal state. The economic, social, cultural, civil and political rights of migrants, namely freedom of movement, choice of place of residence, obtaining asylum have got an important place among these international standards. According to the International Organization for Migration, the total number of international migrants was more than 281 million in 2021. This figure is expected to double in the next 30 years¹. As a result, this trend creates the necessity for an effective regulation of relations as to the migration processes, especially labor migration, which is the main part of it, as well as strengthens the protection of the rights and legal interests of migrants.

The migration as a “driver” of the world economy is characterized by the fact that it is not only a development problem, but also that of human rights of geopolitical nature at the national, regional and international levels. Since, the rights of millions of migrants on our planet are not adequately protected or at risk of being abused. Violations of migrants’ rights manifest in torture, arbitrary detention or lack of legal guarantees, as well as the denial of rights to health, work, housing and education and it is directly linked to discrimination laws, negative ideology or nationalism. One of the three main initiatives of the global agreement on migration aimed at protecting the rights of migrants and ensuring their welfare calls for an in-depth scientific research in this field².

About 100,000 foreign citizens and stateless persons immigrated to our country for permanent residence in the last 20 years, while over 1,100,000 of our citizens left Uzbekistan for the same period³. About 100,000 foreign citizens and stateless persons immigrated to our country for permanent residence for the last 20 years, while over 1,100,000 of our citizens migrated from Uzbekistan for the same period. As of July 1, 2021, 76% of the stateless persons in Central Asia were accounted for the share of our country⁴. President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev’s support of “UN Secretary General Antonio Guterres’s proposal to take firm measures to reduce the number of stateless persons” as one of the most important priorities for deepening democratic reforms and emphasis Uzbekistan’s firm commitment to its policy of reducing statelessness clearly demonstrates the position of our country in this regard⁵. Also, it should be noted that today there are a number of problems related to the formation of international guarantees of migrants’ rights, without eliminating them we cannot increase the level of human

¹ World Migration Report 2022. Published by International Organization for Migration (IOM) // Electronic source: www.iom.int/wmr (addressing time: 23.02.2022).

² Доклад о миграции в мире 2020. – Женева: МОМ, 2020. – С. 411.

³ State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan - Demographic situation: // Electronic source: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2> (addressing time: 25.11.2021).

⁴ Swider K. Comparative legal analysis of the national legislation and practices of the Republic of Uzbekistan and other Central Asian states in line with the provisions of the 1954 Convention Relating to the Status of Stateless Persons and the 1961 Convention on the Reduction of Statelessness. Geneva: UNHCR, 2021. – P.80.

⁵ President Shavkat Mirziyoyev's speech at the 46th session of the UN Human Rights Council // Xalq so'zi. – 2021. – February 23. – No. 38 (7818).

rights protection. This requires conducting scientific, practical and fundamental research on the guarantee of migrants' rights.

This thesis serves to a certain extent to ensure the execution of tasks of Laws of the Republic of Uzbekistan “On citizenship of the Republic of Uzbekistan” (2020), “On the legal status of foreign citizens and stateless persons in the Republic of Uzbekistan” (2021), Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan “On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026” (2022), “On measures to reform the procedure for permanent registration and accounting at the place of stay” (2020), “On measures to further strengthen guarantees of protection of citizens of the Republic of Uzbekistan and members of their family engaged in temporary temporary labor activities abroad” (2019) and “On measures to further improve the state policy of the Republic of Uzbekistan in the sphere of cooperation with compatriots living abroad” (2018), “On measures to implement a system of safe, orderly and legal labor migration” (2020) and other relevant normative legal acts.

The compliance of the research with the priority directions of scientific and technological development of the republic. This dissertation is written in accordance with the priority direction for development of science and technologies in the country I. “The ways for formation of a system innovative ideas and ways of their implementation in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the digitalized society and democratic state”.

Review of foreign scientific research on theme of the dissertation¹. Scientific studies on certain aspects of the ensuring and protection of migrants' rights are carried out by leading international scientific centers and higher education institutions such as the United Nations Institute for Training and Research, Université Paris 1 Panthéon-Sorbonne (France), Queen Mary University of London (Great Britain), The Global Migration Center (Switzerland), Vrije Universiteit Amsterdam (Netherlands), Boston University School of Law (USA), the Center for Migration Studies of New York (USA), Université libre de Bruxelles (Belgium), Victoria University (Australia), Peking University Law School (China), Institute of Migration and International Relations (Russian Federation), Al-Farabi Kazakh National University (Kazakhstan), National Center of Human Rights of the Republic of Uzbekistan, Academy of the General Prosecutor's Office, Academy of the Ministry of Internal Affairs, the university of World Economy and Diplomacy, Tashkent State University of Law (Uzbekistan). Particularly, the following scientific results were obtained from the scientific research in the field of ensuring and protecting the rights of migrants, including: the study of the right to migration as a separate right, the history of the emergence, formation and development of the rights of migrants, sources and specific characteristics are substantiated, proposals for improving the protection of migrants' rights (the United Nations Institute for Training and Research, Université Paris 1 Panthéon-Sorbonne, Queen Mary University of London); the legal basis of the status of migrants and the protection of their human rights (The Global Migration Center, Vrije Universiteit Amsterdam),

¹ See: www.unitar.org, www.pantheonsorbonne.fr, www.qmul.ac.uk, www.graduateinstitute.ch/gmc, www.vu.nl, www.vu.edu.au, www.ulb.be, www.law.pku.edu.cn, www.bu.edu, www.cmsny.org, www.migimo.ru, www.kaznu.kz, www.proacademy.uz, www.akadmvd.uz, www.uwed.uz, www.tsul.uz and other sources.

modern tendencies of public administration in the field of migration (Center for Migration Studies of New York, Institute of Migration and International Relations), for effective legal regulation of globalization and integration, the impact of modern threats related to migration to the state and society and migration processes have been developed (Academy of the General Prosecutor's Office, Academy of the Ministry of Internal Affairs, University of World Economy and Diplomacy).

